

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“СИФАТИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2020**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ЎзМУ “Социология” кафедраси мудири,  
соц.ф.н., проф. К.Каланов

**Тақризчи:** Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси  
“Психология (Дин социон психологияси)”  
кафедраси профессори, с.ф.д. Ш.Содикова

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори  
билингвальдига тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3-сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....</b>	<b>15</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>57</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>93</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>96</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4358-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий қўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Сифатий социологик тадқиқотлар” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Хозирги вақтда мамлакатимизда таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълим соҳасида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлардан қўзланган асосий мақсад - таълим сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш, таълимга инновацияларни жорий қилиш, ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ҳамда жаҳон талабларига жавоб берадиган етук ва малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Бу мақсад ўз навбатида, олий таълимда социология фанларини ўқитишни сифат жихатдан янги босқичга

кўтариш, фаннинг назарий ва амалий асосларини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш, талабаларнинг ахлоқий ва эстетик дунёқарашини бойитиш каби қатор вазифаларни белгилайди.

Сифатий социологик тадқиқотлар олий таълимнинг бакалавриат йўналишида ўқитиладиган гуманитар фанлар турқумига киради ва улар “Социология” фани таркибида ўқитилади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига келиб, глобаллашув жараёни нафақат иқтисодиёт ва молиявий соҳаларда балки ижтимоий соҳада ҳам талайгина муаммоларни юзага келтирди. Айни пайтда социология фанларидағи ўзаро боғлиқликнинг кўпгина соҳалари ҳам глобал эҳтиёжга муҳтоҷ бўлиб бормоқда. Айниқса, сифатий тадқиқотлар, социологияда статистика, замонавий тадқиқотлар услублари, тиббиёт социологияси, ҳарбий социология ҳамда социологиянинг назарий-методологик масалалари атрофида юзага келаётган баҳс-мунозаралар бошқарув тизими, соғлиқни сақлаш тизими, ёшлар муаммоларини ўрганиш, ижтимоий хавфсизлик, гендер ва оила муносабатлари, экстремал вазиятларни социологик ўрганиш каби глобал масалалар атрофида тахлил қилинмоқда.

“Сифатий социологик тадқиқотлар” модули бўйича дастурда фаннинг глобал муаммолари, таълим билан тарбиянинг узвийлиги масалалари, назарий асослари, амалий аҳамияти, социология фани машғулотларини самарали ташкил этишнинг янги, замонавий усул ва услубларидан фойдаланишга доир масалалар ўз аксини топган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** “Сифатий социологик тадқиқотлар” модулининг мақсади: педагог кадрларни социология фани ҳақидаги билимларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, социология фанидан ўқув жараёнини методик ташкил этишнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланишга доир амалий тавсияларни беришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Социология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор ҳорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Социология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- жамиятнинг социал структураси ва социал тизимларини;
- ижтимоий меъёрларнинг ўзгариш тенденцияларини;
- социал маконда урбанизация ва ахборотлашган жамият моделлари;
- замонавий социологик тадқиқотлар методикаси ва техникасини;
- социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функцияларини;
- тараққиёт тизимида ижтимоий хизмат: назарий-методологик асосларини;
- ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатларини;
- ижтимоий хизмат концептининг ижтимоий тавсифини **билиши** керак.
- АҚШ, Европа, Канада, Россия, Хитой, Япония ва Марказий Осиё социология фани ривожидаги устувор масалалар ва замонавий назарий-методологик концепцияларини таҳлил этиш;
- социологик тадқиқот жараёни билан боғлиқ асосий тушунчалар, социологик тадқиқотнинг амалиётга қўллашга доир, шунингдек тадқиқот методологияси ва методини аниқлаш, уларнинг ўхшашлиги ва фарқли жиҳатларини ажратса олиш;
- ижтимоий муносабатларнинг социал жиҳатларини тадбиқ этиш;
- интернет кибермаконида мувозанатсизликни мувозанатлаш;
- интернет кибер маконида ахборот олиш маданияти, унинг асосий восита ва турларини социологик таҳлил қилиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- ташкилот, муассаса ва идораларда социологик тадқиқ қилинган статистик маълумотлардан илмий-педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- социология фанида ижтимоий меъёр, хулқ-автор меъёрлари ва девиантлик ҳолатларининг намоён бўлишига доир, миграция жараёнларининг кечиши, ҳолати ва истиқболига доир прогнозтик тасаввур қилиш;
- маълумотлар йиғиш методларини умумий таснифи ва турлари тўғрисида, шунингдек ҳужжатлар, бирламчи маълумотлар таҳлилини амалга ошира олиш;
- инсон манфаатларини таъминлашда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг аҳамияти, ижтимоий хизматнинг маданий жиҳатлари ва ўзига хосликлари, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг институционаллашуви, ижтимоий хизмат парадигмалари ва улардан самарали фойдаланиш;
- маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг янги усусларини оптималлаштириш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- замонавий социологиянинг махсус ва тармоқ йўналишлари асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ва таҳлил қилиш;
- социологик тадқиқот натижаларидан давлат ва жамият манфаати ривожида фойдаланиш, социологнинг Аҳлоқ Кодексидан келиб чиқиб маълумотларни ижобий мақсадларга йўналтириб лойиҳалаш;

- замонавий социология фанининг назарий ва амалий ютуқларини илмий ижодкорликка йўналтириб лойиҳалаш;
- ижтимоий жараёнларни моделлаштириш ва башорат қилиш;
- ижтимоий соҳада қўлланиладиган илмий ёндашувларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш;
- ахборотлашган жамият тўғрисида илгари сурилган концептуал ғоялар ва уларнинг истиқболи тўғрисидаги қарашларни таҳлил эта олиш;
- социология фанидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш;
- назарий-методологик билимларни қўллаган ҳолда давлат буюртмасига оид муаммовий масалаларни ечишга оид тадқиқотларни бажариш **компетентцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сифатий социологик тадқиқотлар” модули ўқув режадаги “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” ва мутахассислик фанлари блокидаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида социология фанларининг назарий ва амалий асосларини, илмий техник тараққиётнинг ижтимоий тафаккурга таъсири, социологик тадқиқотларни ташкил этишининг ўзига хос қўринишлари ва хусусиятларини амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Сифатий социологик тадқиқотлар” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси
	<b>Жами</b>	Жумладан	<b>Назарий</b>

1.	“Сифатий социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функциялари.	4	4	2	2
2.	Сифатий социологик тадқиқотларнинг структураси.	4	4	2	2
3.	Сифатий социологик тадқиқот босқичлари.	4	4	2	2
4.	Маълумотлар йиғиш методларини умумий таснифи ва турлари.	4	4	2	2
<b>Жами: 20 соат</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>8</b>	<b>8</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: “Сифатий социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функциялари ( 2-соат)**

1. “Сифатий социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функциялари.
2. Сифатий социологик тадқиқотларнинг амалий қўлланиши.
3. Сифатий социологик тадқиқотлар жараёнининг асосий тушунчалари: методология, методика, техника, процедура.

### **2-мавзу: Сифатий социологик тадқиқотларнинг структураси (2-соат)**

1. Сифатий социологик тадқиқотларнинг структураси. Асосий ҳаракат турлари: тадқиқот дастурини тайёрлаш, маълумотлар йиғиш, маълумотлар таҳлили.
2. Тадқиқот методологияси ва методини аниқлаш, уларнинг ўхшашлиги ва фарқлари. Метод ва методология тушунчаларининг алоқаси.
3. Сифатий социологик тадқиқотлар техникаси.

### **3-мавзу: Сифатий социологик тадқиқот босқичлари ( 2-соат)**

1. Сифатий социологик тадқиқот босқичлари.
2. Сифатий социологик тадқиқотлар дастури, социологик тадқиқотларда унинг ўрни ва аҳамияти.
3. Сифатий тадқиқотларнинг цикл босқичлари

### **4-мавзу: Маълумотлар йиғиш методларини умумий таснифи ва турлари (2-соат)**

1. Маълумотлар йиғиш методларини умумий таснифи ва турлари. Адабиётлар, ҳужжатлар, бирламчи маълумотлар таҳлили.
2. Фокус-гурух, аксиологик, биографик, кузатиш, эксперт баҳолаш, сўров усууллари.

3. Афзалликларни билиш. кросс-маданий таққослаш, монографик, жуфтли таққослаш методлари

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** “Сифатий социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функциялари ( 2-соат).

**2-амалий машғулот.** Сифатий социологик тадқиқотларнинг структураси. (2-соат).

**3-амалий машғулот.** Сифатий социологик тадқиқот босқичлари. (2-соат).

**4-амалий машғулот.** Маълумотлар йигиш методларини умумий таснифи ва турлари. (2-соат).

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

1. “Кейс-стади” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<input type="checkbox"/> якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<input type="checkbox"/> якка ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;

	<input type="checkbox"/> якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

*Кейс: Муаммо сифатида турли хил жасиятдаги маданит наъмуналари олинади. Бу турли жадваллар орқали солиштирма материаллар тайёрланади. Маданиятнинг даврий ўзгариши тенденциялари аниқланади. Бунинг сабабларининг умумий тарафлари ўрганилади*

### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Дастурни тўғри ишлаши учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

### **2. “Ассесмент” усули**

Усулнинг мақсади: мазкур усул таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнікмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнікмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади. Усулни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Наъмуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### **3. “Тушунчалар таҳлили” усули:**

Усулнинг мақсади: мазкур усул талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равиша текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изохини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини тақкослайди, фарқларини аниқлади ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Наъмуна: “Маърузадаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
<i>Маданий бурилии</i>	<i>Кундалик ҳаётдаги маданиятни мазмуни борасидагитурли ҳил ёдашувлари тушуниши ва изоҳлаш учун ишлатиладиган тушунча</i>	
<i>Маданий нисбийлик</i>	<i>Ҳар бир жамиятнинг маданияти умумий шароитдан келиб чиқиб эришилган деб тушунувчи ва маданият шакллари боиша маданият шакллари билан ўлчанмаслик ҳақидаги тушунча</i>	
<i>Маданий универсализм</i>	<i>Меъёрлари, ўлчамлари билан маданиятни жамиятни барча қатламларида бирдек амал қилиши ҳақидаги тушунча</i>	
<i>Маданий талваса</i>	<i>Инсонда ўзи биринчи марта ўзи учун таниши бўлмаган маданият элементлари билан дуч келаганда юзага чиқадиган ижтимоий-руҳий бекарорлик</i>	
<i>Оммалашув</i>	<i>Олдин юз берган кичик ҳодисалар орқали воқеаликнинг янада кенгайини ва оммалашини ҳақида тушунча</i>	

<i>Aхлоқий вахима</i>	<i>Маълум бир гурӯҳ ва жамоатчилик муаммо юзасидан жамоачиликнинг ҳавотирининг ошиб бориши одатда бу ижтимоий назаорат тарбини кучайтишиши учун қўлланилади.</i>	
<i>Моногамия</i>	<i>эркак ва аёл ўртасида жуфтликка асосланган никоҳ тури</i>	
<i>Ислоҳотлар</i>	<i>Ўзгариши, қайта қуриши маъноларини англатади</i>	

### Б.Б.Б. техникаси

Б.Б.Б. жадвали:

Биламан, Билишни ҳоҳлайман,  
Билдим.

- матн (мавзу, бўлим) бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради;

-тизимли мулоҳаза килиш, таркибга ажратиш кўникмаларин ривожлантиради.

Б.Б.Б жадвалини тузиш қоидалари билан танишитиради. Якка тартибда ( жуфтликда) жадвал расмийлаштирилади.

Кўйидаги саволга жавоб берилади: Ушбу мавзу бўйича сиз нимани биласиз?” ва “Нимани билишни ҳоҳлайсиз?” ( Келгуси иш учун таҳминий асос

Якка тартибда ( жуфтликда) жадвалнинг 1 чи ва 2 чи устуни тўлдирилади.

Мустақил равишда маъруза матнини ўқиёди ( маърузани эшитади)

Жадвалнинг 3-устунини мустақил (жуфтликда ) тўлдириади.

## **Б техникасининг қоидаси**

<i>№</i>	<i>Мавзуу саволлари</i>	<i>Биламан</i>	<i>Билишини истайман</i>	<i>Билиб олдим</i>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
1.	Жамиятнинг социомаданий тизими			
2.	Дин социомаданий институт сифатида			
3.	Маданиятлар трансформацияси			
4.	Маданиятнинг шаклланиш тараққиёти			
5.	“Субмаданият” тушунчаси			

1. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни индивидуал соҳаларга ажратинг. Қалам билан қўйилган белгилар асосида БББ жадвалини тўлдиринг.

### **“Инсерт” техникасининг қоидаси:**

1. Матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни дикқат билан ўрганиб, соҳаларга ажратинг. Қалам билан ҳар бир қаторга қуидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

*V* – биламан;  
*+* – янги маълумот;  
*-* – билганларимга зид;  
*?* – мени ўйлантироқда.

### **БББ жадвали**

### **III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

#### **1-МАВЗУ СИФАТИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ” ТУШУНЧАСИ, СОЦИОЛОГИК БИЛИШ ТИЗИМИДА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Сифатий социологиг тадқикот тушунчаси социологик билиш тизимида уннинг функциялари.** Асосий тушунчалар: миқдорий ва сифатий тадқиқотларга бўлган ёндашувларнинг триангуляцияси. Замонавий социологик фанларда сифатий тадқиқотлар ўтказиш амалиёти XX асрнинг 70 йилларидан бошланди. Социолог тадқиқотчиларнинг юқори даражада сифатий тадқиқотларга бўлган қизиқишининг ортиши илмий доираларда сифатий методологияни билиш имкониятлари ва қўлланилиш соҳалари тўғрисидаги мунозаралардан бошланди. Айниқса бу ўтган асрнинг 90 йилларида жиддий тус олди. Маълумки социологияда ижтимоий тадқиқот турлари икки хил, яъни а) миқдорий ва б) сифатий турларга ажратилади. Миқдорий тадқиқотларда алоҳида машғулотлар кўплиги ва у алоҳида кўринишга эгалиги, ҳамда ушбу дарс предметида унга вақт ажратилмаганлиги боис, уннинг таҳлилига тўхталиб ўтмаймиз.

Сифатий тадқиқотларда ижтимоий ҳодиса/ҳодисаларни чуқурроқ тушунишга интилиш мутахассислардан чуқур назарий-методологик билимларни талаб этади. Аввалдан ишлаб чиқилган қатъий илмий гипотезаларнинг етишмаслиги, вакиллик намунаси, миқдорий йўналтирилган маълумотлардаги ўзгарувчанлик сабабли ҳам, ушбу усулга жиддий эътибор қаратилди. Кўпинча тадқиқотчилар ўртасида миқдорий ва сифатий усулларни таққослаш, илмий мунозараларга киришиш баҳсли якун топган. Унда қайси усулнинг имкониятлари, чекловлари, нисбатлари муҳимроқ, деган савол ўртага ташланарди. Миқдорий усуллар асосан жамиятнинг эҳтимоллик ва статистик тушунчаларига таяниши билан ажралиб туради. Шу боис, у социологияда «анъанавий» деб ном олган. Ундан ташқари миқдорий тадқиқотлар «қаттиқ»,

«кескин» тадқиқотлар деб аталиб, мутахассислар уни «макро-» тадқиқотлар тоифасига ажратадилар.

Социумда мавжуд ижтимоий тизимдаги тебранишларнинг таҳлили ҳамма вақт ҳам миқдорийда ўз аксини тополмаслиги натижасида, сифатий социологик тадқиқотларга эътибор ошди. Фанда сифатий тадқиқотлар «юмшоқ», «мойил» каби нисбат билан ажратиб, адабиётларда «микро-» тадқиқотлар сифатида эътироф қилинади. Агар миқдорий тадқиқотлар муаммолари мавжуд тадқиқот инструментарийсининг ўрганилаётган объектга нисбатан фаол таъсири орқали амалга оширилса, ҳамда олинган натижалар ва маълумотларни изоҳлаш маълум мавзудаги ноаниқ ролини схемалаштириш ёки соддалаштиришга, тадқиқот натижаларини танланган усуллар ёрдамида «ташқари»дан «нусха» (диаграмма, жадвал ва шу кабилар)лаштиришга қаратилган бўлса, сифатий тадқиқотлар «ички» муҳит ёки руҳият ичига жойлашиб, муаммо (жараён, ҳодиса, инсон кайфияти)ни ҳикоянавислик ёрдамида кўрсатиб беради.

Миқдорий тадқиқотларнинг ишончлилик даражаси ҳар бир амалга оширилган тадқиқотнинг маълум бир қисмини такрорлаш ва бир хил натижага эришиш қобилияти (нақшинкорлик мавжудлигини исботлаш) билан ифодаланади. Сифатий социологик тадқиқотларнинг асосий вазифаси эса кундалик ҳаёт (ҳаёт олами) атрибуллари ва у билан боғлиқ ижтимоий онг ҳолатларини таҳлил қилиш ва тавсифлашдан иборат бўлади.

Социумда ижтимоий тузилишга оид қарама-қарши фикрларнинг юзага келиши, лекин уни рақамларда ифода этишнинг имкони йўқлиги боис сифатий тадқиқотларнинг назарий-методологик концепциялари пайдо бўлди. Жумладан, «антропоцентрик» ёндашувга кўра инсонлар ҳаётидаги кундалик, майший муаммоларни таҳлил қилиш, кишиларнинг ўз хатти ҳаракатларига берадиган баҳолардаги маъноларни тан олиш истаги шулар жумласидан ҳисобланади. Бунда ижтимоий ҳодисаларнинг микротаҳлилга ўтиши кузатилади.

**Ижтимоий ҳодисаларни микротаҳлилга ўтиши.** Сифатий тадқиқотларда олинган маълумотларнинг тўғрилиги – бу ўрганилаётган ҳодисанинг аниқ ва равшан тасвирини инсон қалби орқали ифодалашга қаратилганлигидир. Сифатий социологик тадқиқотларни танқид қилиш (тадқиқот мавзусининг аҳамиятсизлиги, танланган услубларнинг алоҳида тавсифланганлиги, чекланган эмпирик қўлланилишлар) тез-тез учраб туради ва унинг натижалари субъектив мазмун касб этганлиги билан «илмийликдан узок», деб баҳоловчилар ҳам бор. Сифатий тадқиқотлардан фойдаланилганда, барибир миқдорий ва сифатий тадқиқотлар ўртасидаги «таъсир доира»ларни ажратиб олиш лозим. Бунда тадқиқот объекти, унга мос услугни танлаб олиш ва фойдаланадиган жиҳоз (авваллари - диктафон, кинокамера, фотоаппарат орқали тасвирга олиш ва шу кабилардан фойдаланилган)нинг ҳам сифат даражаси юқори бўлиши керак.

**Фокус-гурух тадқиқотлар:** *Фокус-гуруҳнинг асосий таркибий қисмлари: чуқурлаштирилган интервью, эксперт баҳолаш, биографик усул, контент-таҳлил.* **Асосий тушунчалар:** фокус-гурухлар, чуқурлаштирилган интервью, модератор, сұхбатдош, очиқ ва ёпик саволлар, «нега?», «німа учун?», «қачон?», «қаерда?», «ким билан?» деган саволлар мажмуаси.

Сифатли тадқиқотларнинг асосий таркибий қисмлари фокус-гурух, эксперт баҳолаш, биографик усул ва чуқурлаштирилган интервьюолар ёрдамида амалга оширилади. Дастраси амаллар - модератор (интервью олиб борувчи), сценарий (тадқиқот режаси), таҳлил гурухи: раҳбар, унинг ёрдамчиси, респондентлар ва интервью шартларидан ташкил топади. Фокус-гурух/чуқурлаштирилган интервью усуллари ёрдамида сифатий тадқиқотларни ўтказиш учун асосий натижалар «німа учун?» деган савол атрофига қурилади. Жавоб олиш ҳолатлари оддийдан мураккабга қараб шаклланиб боради. Саволларни аниқ шакллантириш «гайд»лар деб аталади ва унинг аҳамияти шундаки, бевосита вазият ва муҳитдан келиб чиқиб, саволлар эҳтиёткорлик билан тадқиқот жараёнининг ўзида «такомиллаштирилиб» борилади ёки «юмшатилади».

**Сұхбат олиб борувчи/модераторға қўйиладиган талаблар:**  
«бетарафлик», «изчиллик», «оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатларни кузатиш»,  
«сўров давомида кузатувлар»дан фойдаланиш.

**Тинглаш қобилиятлари:** «юқори сезгирилик», «сезги ифодаси», «диққат»,  
«ҳамдардлик», «респондентнинг фикрини билдириш усулини ҳисобга олиш»и  
зарур.

**Модераторнинг «фаол тинглаш» ва «сукутли вазият» билан боғлик**  
**хатти-ҳаракатларни бошқаришдаги роли:** «нигоҳ орқали муносабат», «қунт

билан эшитиш», «имо-ишоралар», «нутқнинг маъноси»га эътибор қилиш.  
Тадқиқотга ижодий жараён сифатида қараш модераторнинг асосий  
вазифаларидан бири ҳисобланиб, у миқдорий тадқиқотлар бошқарувчиси  
«интервьюер»дан шу каби жиҳатлари билан ажralиб туради. Модератор  
иштирокчи (респондент)ларнинг «кутилмаган вазият»ларини ҳисобга олиш,  
«импровизация» қилиш, белгиланган тадқиқот вазифаларини жараёнга  
мослаштириш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши керак.

**Чуқурлаштирилган сұхбатнинг босқичлари:** Асосий тушунчалар:  
«сифатий интервью босқичлари», «илиқ муносабат», «асосий қисм», «якунлаш»,  
«сўров», «гурӯҳ ичидағи ҳолат динамикаси», «оғзаки бўлмаган хатти-  
ҳаракатлар», «интервью техникаси».

Фокус-гурӯхнинг асосий босқичлари: чуқурлаштирилган интервью,  
уларнинг умумий хусусиятларига қаратилади. Сұхбатга киришиш функциялари:  
«стрессли ҳолатларни йўқотиш», «сұхбат қоидаларига риоя қилиш ва қоидаларни  
белгилаш», «бирламчи алоқаларни ўрнатиши».

Чуқурлаштирилган интервью ўтказишнинг стандартлаштирилган  
талаблари: «илиқ муҳит яратиши» ва интервьюнинг илк вазифаларини белгилаб  
олиш. Бунда, бирламчи саволларнинг функционал аҳамиятига эътибор бериш.

**Илиқлик муҳитини яратиши босқичида ишлатиладиган саволлар турлари:**  
модератор ўз вазифасига холислик билан қараб, тенглик асосида респондентда

хурмат ва қизиқиши намойиш этиши мухим. Сұхбатнинг асосий қисми босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда, респондентлардаги «шахсий муносабат», «қадриялар», «хиссиётлар», «реакциялар» ва уларни «кузатиши» билимларига күникмани шакллантириб бориши зарур. Биринчи босқичда умумий мазмундаги саволлар учун вакт ажратилади. Аста-секинлик билан умумий саволлардан аник, белгиланган, чуқурлаштирилган саволларга ўтиб борилади.

*Биринчи босқичда ишилашнинг асосий муаммолари:* модератор «муҳим» ва «иккиламчи» саволларнинг ролини ўзи учун белгилаб олиши зарур. Умумий саволлардан олинган маълумотлардан тадқиқот жараёнида мухим саволларни шакллантириш ва фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш. «интервью сўров»лари техникаси (мимикардан фойдаланиш, паузалар, мотивацион саволлар, калит сўзларни текшириш, камроқ савол бериб, хиссиётларга мурожаат қилиш ва ҳк).

*Иккинчи босқичда ишилашнинг асосий муаммолари:* Гурух ичидаги мунозара. Уни шакллантириш ва фаолиятни давом эттириш усууллари. Қарама-қарши нуқтаи назарларнинг баёнлари маъноси. Билвосита/бевосита саволлар орқали асосий маълумотларни олиш. Қўшимча модерация техникаси (тўғридан-тўғри шубҳалар, провокацияли ҳолатлар, қарама-қарши маълумотларга концентрация ва бошқалар). Сұхбатни якунлаш. Сұхбатни яқунига етказиш босқичида қўлланиладиган саволлар (келажакка оид саволлар, мунозара пайтида содир бўлган воқеаларни сарҳисоб қилиш, ўз позицияси, тадқиқотни такомиллаштириш / такомиллаштириш истаклари). Учрашувни якунлаш, миннатдорчилик, хайрлашув сўзлари. Муҳокама иштирокчилари орасида «катарсис»нинг таъсири (жонланиш, кўтаринки кайфият, ёқимли таассуротлар алмашинуви) интервью муваффақияти кўрсаткичи сифатида.

**Фокус гурухи модератори/чуқурлаштирилган интервью ташкилотчиси:** Асосий тушиунчалар: «модератор», «кўникма ва техникалар», «мураккаб респондентлар», «мураккаб вазиятларни зарарсизлантириш»,

«ахлоқий жиҳатлар». *Маъруза сұхбатдоши*: «функциялари», «шахсий хусусиятлари», «ўзини тутиш қоидалари». *Модераторнинг иши услуби*: - «фокус гурух модератори», «чуқурлаштирилган интервью берувчи». *Тажриба ва машғулотнинг қиймати*. «Ишончлилик», «сабр-тоқат», «сұхбатдошга эътибор», «нутқнинг қулайлиги», «оғзаки бўлмаган реакцияларни тушуниш», «диққатни жамлаш қобилияти». *Муҳокама қилиши техникаси*: «асосий ва қўшимча» бўлган кўникма ва усуллар. Асосий мавзуларга ўтиш. Проекцион методларни қўллаш (ассоциациялар, концептуал намойишлар, тугалланмаган жумлалар, ролли ўйинлар, идеал вакиллик ва бошқалар). «Мураккаб» респондентларнинг турлари (доминант, қўрқоқ, эксперт, ёлғон эксперт, эҳтиёткор ва бошқалар) ва уларни заарсизлантириш усуллари. Оғзаки бўлмаган жавобларни кузатиш ва уларни сұхбат жараёнига киритиш. Гурух иши ва вақтини назорат қилиш. Модераторларнинг одатдаги хатолари (ўз позициясининг таъсири, ўз позициясини бериб қўйиш, бетарафликка риоя қиласлиқ, селективлик, контекстни билмаслиқ, айблизлиқ ва х.к). Модератор/ чуқурлаштирилган интервю ташкил этувчи ишининг ахлоқий жиҳатлари.

**Сифатий тадқиқотлар учун сценарий/қўлланма.** *Асосий тушунчалар*: «сценарий», «контекст», «мавзулар ва сценарий» саволлари. Умумий жиҳатлардан ўзига хос томонга ўтиш. Муаммонинг таърифи, вазифалари, тадқиқот саволлари. «Мавзу» - сұхбатнинг таркибий бўлими сифатида. «Контекст»ни кўриб чиқиш. Саволларнинг кетма-кетлиги ва мунозара босқичлари. Чекка худуд усули: имкониятлар ва чекловлар. Олдиндан режалаштирилган саволлар ва сұхбат давомида берилган саволлар. Сұхбатдаги мавзулар сони. Сценарийда мантиқий тафсилотлар даражаси. Мавзуларга бўлиш: асослилик, мутаносиблиқ, ўзаро чиқариб ташлаш, узлуксизлик. Юқори ва паст тафсилотлар сценарийси: ижобий ва салбий томонлари. Саволларнинг кетма-кетлигига қўйиладиган талаблар: респондентларнинг қизиқиши ортиши, мураккаблиги ошиши, чуқурлашиши. Махсус кетма-кетликлар. Тематик кетма-

кетлик - параллел мавзуларга ажратиш ва бир-бирига яқинлашиш. «Муаммони ҳал қилиш» кетма-кетлиги: муаммонинг моҳияти, унинг сабаби, мумкин бўлган ечимлари, «Гэллап йўли»ни амалга ошириш имкониятлари: муаммодан хабардорлик, унга муносабат, муаммонинг ўзига хос томонлари, ушбу баҳоларнинг сабаблари, уларнинг интенсивлиги даражаси. Суҳбат тили. Хабарларнинг маъносини энг тўлиқ ва аниқ етказиш зарурати. Бошқа тадқиқот иш хужжатлари (скрининг анкетаси, гурух аъзолари учун).

**Тадқиқотни ташкил этиш.** *Асосий тушунчалар:* «бир хиллик», «респондентларнинг таркиби ва сони», «маконни ташкил қилиш», «ишга қабул қилиш», «скрининг». *Фокус-гуруҳлар усули бўйича тадқиқотларни ташкил этиши:* «керакли гуруҳлар сони», «таркиби ва иштирокчилар сони». *Иштирокчиларнинг бир хил таркиби.* «Жинс», «ёш», «миллат», «маълумот даражаси», «даромад даражаси» омиллари. *Тадқиқотда иштирок этиши* учун чекловлар: «бир-бирлари билан танишиш», «модератор», «интервью берувчилар», «социологлар», «психологлар», «профессионал маркетологлар», «реклама берувчилар», «мавзу бўйича мутахассислар» билан. *Суҳбат давомийлиги:* «жой», «маконни ташкил этиш». *Махсус хона ва маҳсус жиҳозлар.* Техник ёзув. *Суҳбат ўтказиладиган жойга қўйиладиган талаблар:* «аралашмаслик», «тиник ва равон эшитилишни таъминлаш», «иштирокчилар учун қулайлик», «нейтрал жойлашиш», «суҳбатнинг барча иштирокчилари учун мақбуллиги», «кузатувчилар учун яхши кўринишини таъминлаш». Модератор: Мен нимадан қочишим керак? Мумкин бўлган салбий омиллар. Иштирокчиларнинг ўтириши. Респондентларнинг таркиби ва сонини белгиловчи омиллар. Логистика ишлари (ёллаш, қатнашиш). Муҳокама иштирокчиларини танлаш мезонларини танлаш. Респондентларни ёллаш (скрининг анкетаси, намуна). Ишга қабул қилиш усуллари. Энг яхши жавоб берувчи ким? Биноларни тайёрлаш, видео-аудио ёзувларни тақдим этиш. Ўзингиз билан нимани ва қанча

миқдорда олиб юришингиз керак? Овқатланиш. Респондентларнинг тўловлари, умумий кўрсатмалар.

**Тадқиқотчиларнинг ёрдамчилари.** *Асосий тушунчалар:* «таҳлилчи ёрдамчиси», «протокол», «стенограмма», видео-, аудио- стенограмма, ёзувлар, кузатувчилар, хулоса қилиш. *Маъруза таҳлилчиси ёрдамчиси:* роли ва асосий вазифалари. Ёрдамчи таҳлилчи малакаси ва малакасига қўйиладиган талаблар. Мухим шарт: - тадқиқот мақсадлари ва сценарийни яхши билиш. Ёрдамчи ва модераторнинг алмашинуви, ўзгарувчан ишдан олинадиган фойда. Фокус-гуруҳда ишлашга тайёргарлик. Ёзувларни юритиш (кўникмалар ва техникалар). Суҳбат давомида ўзини тутиш қоидалари. Модератор билан ўзаро ҳамкорлик: «маслаҳатлар». Суҳбатларда қатнашиш имконияти. Ёзувларни юритиш бўйича амалий тавсиялар (қисқартмалар, рақамлаш, қисқартмалар, рўйхатдан ўтиш шакллари, жадваллар ва бошқалар). Оғзаки бўлмаган реакцияларни фиксация қилиш. Техник функциялар: жиҳозларнинг имконияти ва ишлашини кузатиш. Видео- ва аудио- ёзувлар. Аудио- ва видео- кассеталарни маркалаш. Кўл ва техник ёзувлар - қўшимча, рўйхатдан ўтиш кафолати. Фокус гурухи кузатувчилари ва чуқур интервююлар. Хулқ-автор қоидалари. Кузатувчилар билан алоқа тамойиллари. Сўров охирида модератор билан тадқиқотнинг асосий натижаларини муҳокама қилиш - хулоса қилиш. Пост интервью/фокус-гуруҳ ёзуви. Транскрипт/транскрипт тайёрлаш. Стенограмма тайёрлаш учун асосий талаблар ва тавсиялар.

**Маълумотларни таҳлил қилиш:** *Асосий тушунчалар:* «таснифлаш», «сараплаш», «индексни тузиш», «маркалаш», «маълумотларни ихчамлаштириш», «типология». *Сифатий таҳлил анъаналари:* «этнографик ёндашув», «таржимаи ҳолларни таҳлил қилиш», «ривоятлар», «диалоглар», «назарияларни асослаш» ва бошқалар. *Таҳлилга турли хил ёндашувларнинг устувор мақсадлари:* «мазмунли таҳлил қилиш», «талқин қилишнинг асосий жиҳатлари». Маълумотларни таснифлаш, саралаш ва қисқартириш. *Таҳлил ва тушунтириши шиларини илгари*

*сурин:* «топилмалар нимани англатади», «асосий ўлчов нима?», «қандай «нақшинкор» ғояларни топиш мумкин?», «қандай тушунтиришлар таклиф этилади?»

*Таҳлилий иерархия.* Дастребаки маълумотлар. Дастребаки мавзулар/тушунчаларни тарғиб қилиш. Индексни қуриш. Маълумотларни этикетлаш ва уларга мавзулар ҳамда тушунчаларга мувофиқ индексларни бериш. Махсус даструрлардан фойдаланиш имкониятлари. WinMax, Atlas, Этнограф даструрлари. Маълумотларни тушунчалар бўйича саралаш. Маълумотларнинг йиғиндиси ва синтези. Таснифи ва тавсифи. Ўлчовларнинг таърифи. Нақшинкорликни қидириб топиш. Типологияларни ўрнатиш. Маҳаллий тушунтиришларни илгари сурин. Амалий жиҳатларни аниқлаш.

*Сифатий таҳлилга қўйиладиган талаблар:* таҳлилий мавзулар ва тоифаларни тарғиб қилишга имкон берадиган маълумотларга асосланиб, тизимли ва тўлиқ таҳлил, ўзаро боғлиқлик ва маълумотлар алмашинувини қўллаб-куватлаш, тематик ва ҳодисаларни таҳлил қилишни қўллаб-куватлаш, бошқалар учун очиқлик ва очиқлик. Фокус-гурухлар, чукурлаштирилган интервьюлар маълумотларини таҳлил қилишда нима қилиш керак ва нимадан қочиш керак? Энг кенг тарқалган хатолар.

### **Назорат саволлари:**

1. Кундалик ҳаёт социологиясининг турлари, тамойиллари, қонуниятларини баҳолаб беринг?
2. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар доирасида кундалик ҳаёт ва маданиятнинг ўрганилиши нималарда ўз аксини топади?
3. Кундалик ҳаёт ва маданият социологиясининг ҳорижий тажрибада ўрганилишини асосланг?
4. Маданият фанлари тизимишининг шаклланишини таърифланг?

5. Маданият социологияси, маданий антропология ва социологиянинг ўзаро боғлиқлиги нимада?
6. Маданият социологиясининг вазифаси нималардан иборат?
7. Инсон “маданий мавжудот сифатида” деган тушунчани изоҳланг?

## **2-МАВЗУ: СИФАТИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ТУШУНЧАСИ, СОЦИОЛОГИК БИЛИШ ТИЗИМИДА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

“Синов тадқиқоти” атамаси адабиётларда: 1) излаш (текшириш) тадқиқотининг маънодош; 2) пилотажли тадқиқотнинг маънодоши; 3) ўзининг турлитуманликлари (кўринишлари) сифатида излаш (текшириш) ва пилотажли тадқиқотларни ўз ичига олувчи йиғма тушунча. Излаш (текшириш) ва пилотажли тадқиқотлар – синаш тадқиқотининг икки асосий кўриниши деб хисоблаймиз.

Излаш (текшириш) тадқиқоти вазифаларнинг тўғри қўйилиши ва асосланган гипотезаларни илгари суриш, мақсадларни аниқлаб олиш мақсадида ўтказилади. Шундай қилиб, моҳиятига кўра у концептуал тадқиқотдир. Унинг ўтказилиши, агар сизни қизиқтирадиган мавзу бўйича адабиётлар мавжуд бўлмаса ёки етишмаган ҳолда мақсадга мувофиқдир.

Синов тадқиқотлари – ижтимоий таҳлилнинг оддий тури бўлиб: унинг вазифалари доираси чегараланган, сўраладиганлар сони ўртача, дастурлари ва воиталар жуда соддалаштирилган; маълумотлар намоён қилинмайди. Олим муаммони умумий йўналтириш учун тадқиқот обьекти тўғрисида фақатгина баъзи маълумотларни олади. У кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган муаммолар учун қўлланилади. Унинг шиори –таҳминан, арzon ва тез.

Излаш тадқиқотлари қуйидаги усуллар ёрдамида ўтказилиши мумкин: доимий респондентлар билан шарўлар (яхшиси норасмий); кузатиш;

тадқиқотнинг марказий муаммоси бўйича фокус-гурух; эксперт- мутахассислар ёки сизни қизиқтирувчи муаммо соҳасига алоқаси бўлган кишиларни билан сўров ўтказиш; илгари сурилган вазифалар ва гипотезалар бўйича зарурий маълумотларни ўз ичига олган статистик маълумотлар, хужжатларни ўрганиб чиқиши.

Текшириш тадқиқотлари варианти сифатида эскпрес - сўровлар иштирок этади. Уларни тезкор сўровлар ҳам деб аташади. Улардан кўпгина сўров ўтказадиган фирмалар ҳам фойдаланадилар – ВЦИОМ дан РОМИР гача. Ҳакиқатда, улар сўровларни, одатда, жуда зиёли кишилар, лекин асосий фанни чуқур илмий ривожлантириш вазифаларини қўймайдилар. Бир зумда, лекин жамият, идоралар ёки хусусий буюртмачиларга жуда зарур бўлган манфатли вазифалар ҳал этилади: ҳалқ президентга қандай муносабатда бўлади, айланмага чекловлар, Чеченистондаги урушга, Бушнинг ташрифига, 2001 йил 11 сентябрдаги террористик актларга. Шундай тарзда, янги, қисқа муддатли (унинг ҳаётийлик даври кун, хафта, баъзида ойлар билан ҳисобланади), лекин айни ватда жуда керакли ахборотни оладилар.

Пилотажли тадқиқотда танлаш ҳажми аниқ услубий асосга эга эмас. Одатда 30 та респондент орасида сўров ўтказиши етарли деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотнинг режалаштирилган обьектининг барча мавжуд тоифаларини намоён этишлари учунгина муҳимдир.

- Пилотажда кичик танлаш бош тўпламга нисбатан репрезентатив бўлиши шарт эмас. Унинг бошқа сифати – турли-туманлиги қанчалик муҳим: инструментерийга турлича таъсиранадиган респондентлар гурухини ўз ичига олиши лозим. Агар ўрта маълумотли кишилар келгуси танлошда сезиларсиз улушни ташкил этса, сизнинг ақлли саволларингизда умуман сиз қониқтиrmайдиган жавобларни берганликлари учун улар билан биринчи навбатда сўров ўтказиш зарур.

- Сўров мавзуси учун муҳимроқ ижтимоий-демографик белгиларни (жинс, ёш, маълумоти, иш стаджи, меҳнатнинг мазмуни ва ҳ.к.) намоён этувчи респондентларни киритадилар.

Ижтимоий психологияда пилотажли тадқиқотлар (ишчи атамаси “зондаж”) танлашнинг зарурий ҳажмини белгилаш, анкета саволлари сони, сўров вақти ва бошқаларнинг мазмунини аниқлаштириш учун қўлланилади. Пилотаж (ишчи атама - “претест”) тестларини қўллашнинг хорижий ва маҳаллий амалиётда асосий тестнинг баъзи стандартларини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Социологияда пилотаж асосий тадқиқотгача ўтказилади ва гипотеза ва вазифаларнинг хусусиятларини, шунингдек инструментарийнинг профессионал даражаси ва услубий ишланганлиги текшириш усули сифатида иштирок этади. Пилотаж танлаш моделининг тўғрилигини баҳолаш ва зарурат туғилганда мувофиқ тузатишларни киритиш; тадқиқот обьекти ва предметининг баъзи тавсифларини аниқлаштириш, бош тадқиқотни ўтказиш муддатлари ва молиявий харажатларини асослашга ёрдам беради. Пилотаж шунингдек шархловчилар (анкеталовчилар) гуруҳининг машқлари учун ҳам фойдалидир.

Ҳозирги социологияда қуйидаги қоидалар қўлланилади: анкетани катта ададда тарқатишдан олдин, уни саволларни тўғри тушунаяпдиларми, у ҳаддан ташқари узун ва зерикарлами уни тўлдириш (ёки шарҳлаш) учун қанча вақт талаб этилади, почта орқали тарқатилиш ҳолатларида эса – анкета жўнатилган вақтдан бошлаб жавоб олингунга қадар неча кун ўтишини аниқлаб олиш учун сўровнинг кам ададда чиқариб синаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Пилотажли тадқиқотлар “қисқартирилган” режа бўйича тадқиқотларни ўзида намоён этади- бунда кичик танлашлар ўтказилади, ахборотлар чала йиғилади, олинган ахборот фақат аҳамиятли мезонлар бўйича таҳлил қилинади. Агар пилотажли тадқиқот яхши ўрганилган тадқиқот даврида ўтказилса, у тадқиқот инструментарийсини “очиш”, унинг нуқсонлари ҳамда математик

таҳлилга ёндашувлардаги нуқсонларни аниқлаш ва бартарф этиш имконини беради.

Пилотаж қуидагилар учун фойдали: а) инструментарийни тестдан ўтказиш, бунда тадқиқотчи тўла ишонч билан ҳаракатланади, б) тадқиқот предмети тадиқотчига яхши таниш бўлмаган ҳолларда инструментарийни такомиллаштириш. Биринчи ҳолатда инструментарийлар ўзларининг якуний вариантида синовдан ўтказилади. Иккинчи ҳолатда тадқиқотчи инструментнинг турли вариантлари билан, улардан қайси бири ишлашда кулайлик яратишини билиб олиш учун тажриба ўтказишни истаб қолиши мумкин. Дастребни тестдан ўтказиш қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Саволларнинг шакллари ва турли оғзаки шаклларини тестдан ўтказиш.

2. Респондент билан жонли мулоқот жараёнида уни тўлдиришнинг эҳтимолий мураккабликлари аниқланиши учун респондент томонидан шахсий шарҳини мустақил тўлдириш учун мўлжалланган анкетани синаб кўриш.

3. Ёпиқ саволларга жавоблар тўпламига киритиладиган типик жавобларни, охиргиларини якуний вариантда қўллаш учун аниқлашда очиқ саволлардан фойдаланиш.

4. Ҳар қайси инструментарийнинг яроқлилигини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳар бир турини тестдан ўтказиш (почта анкеталари, оғзаки шарҳлар, телефон шарҳлари).

Пилотаж икки вариантда ўтказилади. Биринчисида – респондентларнинг жами гурухларини алоҳида жамоага таклиф этадилар, бунда столларда анкеталар жойлаштирилади. Респондентларни пилотаж ҳолатига “киритадилар”, яъни унинг мақсад ва вазифаларини изоҳлайдилар, тўлдириш техникаси бўйича анкеталарни инструкциялайдилар ва тўлдиргандан сўнг қатъий танбехлар айтиб

беришларини, анкета билан ишларни қийинлаштирувчи саволлар тұғрисида ва тушунмовчиликтар тұғрисида сұхбатлашишни сұрайдилар.

Тұлдирилган анкеталар белгиланған қутиларга ташланади, шундан сүнг бутун үтказилған сўровнинг мазмунини гурух бўлиб муҳокама қилиш бошланади. Анкета саволларининг яроқлилигини баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар сифатида саволларга жавоб берганлар сони ва саволда фойдаланилған устун бўйича жавобларни тақсимлаш тавсифи иштирок этади.

“ Пилотаж натижаларига кўра, агар зарур бўлса анкетага тузатишлар киритилади. Синов сўровномасини үтказишнинг хусусиятлари лойихада иштирок этувчи сұхбатдошлар билан “стол атрофика сұхбатда” ҳам батафсил муҳокама қилинади. Бунда лаборатория шароитларида сұхбат үтказиш жараёни жамоавий имитацияланади.

Пилотажли материаллар сўров үтказувчи фирманинг алоҳида папкаларида сақланади. Улар сўровноманинг дастлабки вариантини, респондентлар ва социологларнинг мулоҳазалари, шунингдек анкеталарнинг тўлиқ ишланган вариантини белгилаб қўювчи баённомаларни ўз ичига олади. Вақт ўтиши билан услубий қарорларнинг ўзига хос “банки” жамғарилади, типик услубий хатолар ва инструментарийларнинг тўлиқ ишланмаларини таҳлил қилиш бўйича тажриба ва кўнималар пайдо бўлади.

Пилотажли тадқиқот барча муаммоларнинг мантиқий тушуниш, саволларнинг аниқ мақсадга мувофиқлиги нұқтаи назаридан саволларнинг таҳминий қўйилиши асосида тузилади. Пилотаж давомида барча тартиботлар, тадқиқотнинг жами инструментарийлари текширилдиўринсиз саволлар чиқариб ташаланади, тадқиқотнинг алоҳида босқичларига тузатишлар киритилади.

Унинг үтказилишига суфуртага эга бўлиш қаби муносабат қилиш лозим: сиз албатта агар омадингиз келса у сиз ҳам ишлашингиз мумкин. Агар йўқ бўлсачи?

Тасвирий ва аналитик тадқиқотлар

Бу ўзининг илмий мақсадлари ва олинган натижалари бўйича қарама-қарши икки асосий тадқиқот туридир. Тасвирий тадқиқот текшириш тадқиқотига нисбатан илмий изланишнинг мураккаброқ туридир. Унинг мақсадлари жиддийроқ, узоқроқ вақт олиб борилади, дастури муфассал, инструментлари барча илмий параметрларга мос келади. У фақатгина ҳодисаларнинг юзаки кесмасини берганлиги учун эмас, балки фақатгина сабабли алоқаларни аниқламаганлиги учун тавсияланадиган деб номланади.


Тавсифлаш тадқиқотлари ҳодисаларнинг яхлит тасвирини беради. Шу билан бирга, у ҳодисаларнинг таркиби ва динамикасини ёритиб беради. У репрезентатив маълумотлар, ишончли маълумотларга асосланган ва илмий усулнинг барча талабларига мос келади.

Аналитик тадқиқот – ижтимоий тадқиқотнинг энг чуқурлаштирилган туридир. Унга тавсифлаш тадқиқотига хос бўлган ижобий илмий ўрганишнинг ҳамма белгилари киради: репрезентативлик, ишончлилик, тўғрилик ва х.к. Лекин ундан ташқари, уни кўздан яширилган ижтимоий ҳодисанинг юзага келиш сабабларини аниқлайди. Бу профессионалликнинг юқори пилотажидир. Унга ҳамма ҳам эриша олмайди ва бу баъзан содир бўлади.

Социологик тадқиқот ҳақида барча айтганларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги қонуниятларни аниқлаш мумкин:

- тадқиқотнинг мураккаблик даражаси биринчидан учинчига ортиб боради;
- тадқиқотнинг тури қанчалик мураккаб бўлса, у камроқ тарқалган ва аксинча.

лозим: агар омад сизга қулиб боқса сиз албатта ишлашингиз мумкин. Агар йўқ бўлсачи?



1.2-расм. Мураккаблик даражаси ва тарқалғанлық даражаси бўйича ижтимоий тадқиқотларнинг типологияси

### Нуқтали тадқиқот

Нуқтали тадқиқот (уни бир марталик деб ҳам атайдилар) ижтимоий ходисаларни ўрганиш вақтида унинг ҳолати ёки миқдорий тавсифлари тўғрисида ахборотлар беради. Ҳақиқатда, ҳодисанинг тезкор сурати вақт бўйича унинг ўзгаришлар йўналишлари тўғрисидаги саволларга жавоб бермайди. Нуқтали тадқиқотга мисол сифатида монографик тадқиқот хизмат қиласди.

Монографик тадқиқот тор маънода- яхши ишланган назария доирасида бир ёки бир неча обьектларни текширишdir. У case study эслатади, ундан фарқли ўлароқ янги билимларни олишни эмас, балки нуқтали ижтимоий ташҳиснинг кўйилишини мақсад қиласди, масалан, муайян корхонанинг ташкилий тузилмасини аниqlаш. Монографик тадқиқот кенг маънода- бир ёки бир неча обьектларни танишиш сингари амалий мақсадда ҳам ҳар қандай тадқиқотларидир. Тадқиқот обьекти типологик равишда мавжуд ахборот

асосида танлаб олинади. У барча ҳодисалар синфи учун хос деб таҳмин қилинади.

Одатда антропологнинг тадқиқот объекти сифатида чуқур ва тезкорлигини ўрганиш мумкин бўлган бир қишлоқ иштирок этади. Тадқиқотнинг бундай тури монографик деб ҳам номланади. Агар қишлоқлар одатда кичик бўлса, олим вақт ўтиши билан ҳар бир кишини яхши билиб олади. Биринчи жаҳон уруши даврида бундай тадқиқотни Малиновский ўтказган. Улар ёритиб берган қишлоқ қабилали бирлашма ҳисобланмаган, балки йирик миллий таълимнинг бир қисми бўлган.

Траборин ороллари кичик бўлиб, этнографга ўша ерда жойлашган барча қишлоқларга ташриф буюриш ҳамда ҳар бир траборинлик билан музокара олиб бориш имконини берган. Лекин у полигон сифатида асос билан ўрганилган қишлоқни танлади. Бироқ, бошқа антропологлар бир жамоада ўтказилган мазкур тадқиқотларни ўзининг маҳаллий маданиятига тарғиб этишга қарши чиқмоқдалар. Айниқса агар гап мураккаб жамият тўғрисида кетса. Шунинг учун антропологлар бир мамлакатнинг турли чегараларида жойлашган жамоалар гурухини тадқиқ этиш усулидан фойдаланадилар.

Монографик тадқиқотлар қишлоқ социологиясига тарқатилган, бунда улар алоҳида қишлоқ жойларининг “ижтимоий суратлари” оли воситаси сифатида иштиrolк этади. Ўрганишнинг бундай усули аҳоли турмушининг асосий томонлари тўғрисида- оиласалар таркиби, банд бўлганлар, даромад манбалари ва миқдорлари, меҳнат фаолиятининг хусусиятлари, меҳнат ва бўш вақт соҳасидаги маҳаллий урф-одатлар, мулоқотнинг анъанавий турлари тўғрисида ахборот тўплашга асосланади.

Монографик тадқиқот репрезентатив ахбротни олишга даъвогар бўлмайди. Унинг вазифаси- янги ҳодисаларни муфассал таҳлил қилиш, кенг танлаб қилинадиган тадқиқотларни ўтказишни бекор қиласиган ахборотларнинг мавжуд

эмаслиги. Монографик тадқиқотнинг натижалари кенг миқёсли эмпирик тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқишида фойдаланилади.

### Ялпи ва танланадиган тадқиқотлар

**Субмаданият.** Субмаданият - бу турли ижтимоий гуруҳлар маданияти, деб қаралади. Субмаданиятга ижтимоий қатламлар: шаҳарликлар, қишлоқ аҳолиси, ёшлар, ишчилар, дехқонлар, ўрта қатлам, қуий қатлам ва ҳатто юқори қатлам киради. Гап шундаки, шу қатламга киравчи кишилар фақатгина 0ъзларининг қатламига тегишли маданиятни ёқтирадилар, қолган қатламлардаги маданият тури уларга бегонадек, тушунарсиз кўринади. Сабаби эса субмаданият ҳар бир ўзига тегишли гуруҳни бошқа гуруҳ маданиятларидан “изолация”да сақлайди. Масалан, энг ривожланган ва фаол бўлган ёшлар субмаданияти. Ёшлар субмаданиятининг марказини мусиқа ташкил қиласди

**Элитар маданияти тури.** Олий - элитар маданият. Элита (французча *элита* - энг сара, энг яхши, сараланган) - ҳар қандай ижтимоий тузилманинг

<sup>3</sup> “Public culture and modern society” D. Bell

бошқарув жиҳатларини мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатламдир. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Аристотел, Нитше ва бошқа лимларнинг қарашларида баён қилинган. Ҳозирги Гарб социологиясидаелита турли хил талқин этилади. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жиҳатдан энг фаол одамлар жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга одамлар (Х. Орtega ва Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидағи олий хизматчилардир, деб изоҳланади” элитар маданияти остида, одатда, анъанавий ижтимоий-гуманитар ва илмий-техник (интеллектуал) маданият тушунилади.

Элитар маданият — бу кам сонли кишилар маданиятидир. Бу маданият тури олий таълим-тарбия кўрган, маҳсус тайёрланган, ижтимоий ва интеллектуал келиб чиқиши энг сара, юкори бўлган кишиларга тегишилидир. Бошқача айтганда, киборлар-елитар маданият жамиятнинг имтиёзли табақаларига мўлжалланган. “Санъат санъат учун” қоидаси маданиятда нафис санъат, мумтоз мусиқа, факат киборларгина мутолаа қиласидиган бадиий адабиёт намуналарини назарда тутади. Бундай маданият намуналари мураккаб бўлиб, улар маҳсус интеллектуал - эстетик мақомга эга бўлган, юксак дид вакиллари учун яратилади”

Лекин шуни унутмаслик керакки, маданият турлари ичида низо шундай вазиятда вужудга келади: бунда кам сонли кишилар маданияти билан кўп сонли кишилар маданияти узоқ вақт бир-бири билан ўзаро алоқада бўлмайди.

Киборлар - элитар маданияти бошқа маданият турларидан ўзининг чукур мазмунлилиги, муаммолар моҳиятини очиб берса олишлиги, нозик-нафислиги, мулоҳаза қилдирвучанлиги, бутунлиги, ҳис-туйғуларга бойлиги билан фарқланади. Киборлар маданиятига энг сара адабиётлар, турли санъат асарлари, фалсафа, табиий, техник ва ижтимоий соҳадаги илмий-назарий тадқиқотлар киради. Бу маданият тури ўз ижодкорининг жамиятдаги обрўси ёки ижтимоий

келиб чиқишига қараб эмас, яратилган асарнинг савиясига, етуклигига қараб белгиланади. Замонавий техника ва технологиялар, оммавий ахборот воситалари жамики маданият турларини, маданий қадриятларни жамият аъзолари орасида кенг ёйилиши ва мустаҳкамланиши имконинитберади.

Элитар маданият билан жамият аъзолари, ижтимоий қатламларнинг барчаси ўқиши жараёнида, яъни болалик даврида таништирилса, кишиларнинг қалбида қадриятларнинг барча турлари шаклланиб, умрбод муҳрланиб қолади. Лекин шуни унутмаслик керакки, қайси даврда, қайси жамиятда бўлишдан қатъи назар, кишиларнинг ўзлари истаган маданият турини танлаш имкониятлари эркин бўлмоғи лозим.

Сиёсат ва маданият. Сиёсий маданият маънавий қадриятларнинг алоҳида тизимини ташкил қилиб муайян жамият, гуруҳ, кишиларнинг сиёсий онги манфаатлари, эътиқодлари, мақсадлари ифодалайдиган амалий фаолият тизинидан иборатdir. Сиёсий фаолиятнинг юқори кўринишларида “сиёсий ишлаб чиқариш” нинг ва маънавий-назарий ишлариб чиқариш мувофиқ келади. Ижтимоий-амалий сиёсий ишлаб чиқариш давлат сиёсий гуруҳлар, партиялар, сиёсий меъёрлар, шунингдек, сиёсий фаолият туфайли таркиб топган функционал тузилмаалардан иборат бўлади. Маънавий-назарий сиёсий ишлаб чиқаришга эса сиёсий мафкура, сиёсий қадриятлар, идеаллар, назариялар, дастурлар, сиёсий тажтибалар ва анъаналар, сиёсий хулқ андозалари жамоатчилик фикри ва бошқа ҳодисалар киради.

Маданият социологияси сиёсатнинг ҳаёт тарзига қандай таъсир эта олиш қонуниятларини таҳли этади. Сиёсатчилар маданий ҳаётга оид белгилар ва маросимларда қатнашиш орқали ўзларининг сиёсий мақомини оширишга ҳаракат қиласидилар. Дарҳақиқат маданиятга бўлган бундай муносабат сиёсий социология каби маданий социология ҳам ўрганиши лозим. Сиёсий фаолиятни амалга оширувчилар маданий белгиларни жамиятдаги норма ва меъёрлар асосида қўллаб шу орқали ўзининг сиёсий фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилишади.

Сиёсатчилар ўзинини тингловчи аудитория хусусиятларидан келиб чиқиб муаммони ечиш борасида ўз йўлини белгилаши мумкин. Бундай мақсадни қўйиш орқали ўша маросимни эмоционал таъсирини оширади. Пировардида уларнинг бундай маданий ҳаракатлари уларнинг аудиториясини жамоатчилик борасидаги яхши ишларга интилевчи кучни беради. Агар сиёсатчилар ўзини яна кучли бўлишлари исташса ўзининг худбин амбициялардан воз кечишларига тўғри келади.

Биз маданият социологияси ва сиёсий социология борасидаги асосий концепцияларини аниқлаштириб олишимиз зарур. Маданий ритуаллар ва тимсоллар жамиятнинг сиёсий ҳаётини маълум даражада тартибга солиш учун хизмат қиласи. Улар жамият аъзолари учун бир-бирини тушуниш ва бошқарувда енгиллик яратиш учун хизмат қиласи. Бошқарувда ўзига хосликни касб этиб инсонларни умумқабул қилинган кўникмаларни қабул қилишга ўргатади.

Сиёсатдаги маданий маросимлар ва уларнинг мазмуни қанчалик муҳим эканлиги тушуниш учун уларни алоҳида таҳлил қилиб чиқиш зарур. Мисол учун президентлар сайловда ғолиб бўлгандан сўнг ўтказиладиган иннигурация маросими кишиларда раҳбарга нисбатан ишончни ошириш ва раҳбар устидан ижтимоий назорат учун хизмат қиласи.<sup>4</sup>

Маданият ва фан. Маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули бўлган фан инсониннг моҳияти кучларини ўзида ифода этиб, маданият ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Фан маданият ҳодисаси деганда биринчи навбатда ,унинг билимларини ишлаб чиқиш шакли эканлиги назарда тутилади. Аввало шуни таъкидлаш лозимки , ҳар қандай тасаввур ва билимлар сингари фан ҳам ижтимоий амалиёт , ижтимоий эҳтиёж туфайли юзага келган.

Фан нарса-ҳодисаларни вужудга келтирган сабабларнинг моҳиятини очишга, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ўта ранг-баранг шаклларда юз берабер, улар муваққат, фавқулотдам муҳим бўлиши мумкин, илмий билиш

---

<sup>4</sup> Cultural Sociology An Introduction Les Back, Andy Bennett, Laura Desfor Edles 2012 page 108,111,117

моҳиятни ифодалаш йўлларини топади. Фан воқеалар тизими белгилайдиган обевтив қонунларни, жуда узоқ ва яқин ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушунтириб, уларнинг илмий манзарасини тиклайди. Аҳолининг саводхонлик даражаси ошиб атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб, уларга позитив руҳда рационаллик билан ёндашиш учун зарур бўлади. Фан бевосита маданий ҳаётга таъсир этади. Бу эса маданий ҳаётнинг фанни янада ривожланиши учун замин яратади.

Маданий фарқланишлар. Глобализация натижада халқлар маданиятини бир-бiri билан учрашди ёки тўқнашди. Маданият борасида иш олиб борга олимлар такидлайдики турли маданиятлар бир-бирлари билан уюшиб умумийликни касб эта бошлайди. Лекин бунда устун бўлган маданият бошқа маданиятларга нисбатан дисиммилияция ҳолатини юзага келтиради. Бошқа маданиятлар эса ассимилияцияга учраб ҳатоки йўқ бўлиб кетиш арафасида қолади. Шунда айрим маданият кўринишлари ўзлиги сақлаб қолиш учун субкултураларни ташкил эта бошлайди. Маданий фарқланишлар глабаллашув ва урбанизация натижасида йўқ бўлиб кетиши тўғрисида олимлар фикр юритишган лекин ҳозирда маданият фарқланиши айни бир кўринишлари санаоатлашув ва урбанизация натижасида юзага келмоқда. Мисол тариқасида хиппилар, эмолар, сектантлар ва бошқа қўплаб кичик гурӯҳ маданиятига хос маданият кўринишлари.

Биз маданий фарқланишлари кашф этмоқчи бўлсак икки маданиятни бир бири билан турли ракурсларда кузатиб чиқишимиз зарур бўлади. Маданий фарқланишларни ўрганган олимлар худуднинг географик имкониятини ҳам рад этмайдилар. Чунки қадимда техник имконият бўлмасдан маданият бир қобиқда стихияли тарзда шаклланиб ва ривожланиб борган. Бу эса маданиятнинг умумий тамонларини камлигига олиб келган. Буюк географик кашфиётлар

эропаликларни бошқа маданият шакллари билан танишиш имкониятини яратиб берди.<sup>5</sup>

Маданий талваса (шок) ҳолати. Маданий талваса ҳолати психологик ва ижтимоий кечинма ҳисобланиб, инсонни ўзи ўзи учун нотаниш бўган маданият намуналари, ва нормалари таъсирига тушуб қолганда бошидан кечирадиган ҳолат ҳисобланади. Яна инсон янги маданият, янги ғоялар, янги концепсиялар жамиятда юзага келаётган пайтда ҳам содир бўлади. Ҳеч қандай шахс маданий шокдан ҳимояланмаган бўлади. Инсонларнинг маданий шок таъсир ҳолатларига кўниши турлича юз беради. Этноцентрик ғояларига берилган одам маданий шок ҳолатларига тушиши қўп юз беради. Бошқа ҳолатларда маданий нисбийлика кишиларнинг аста секинлик билан кўниши мумкин.<sup>6</sup>

Маданий ўзгаришлари қабул қилиш доимо ҳам мураккаб кечади айниқса анаъанавий жамиятда яшаб туриб замонивий жамиятга кўчса бундан инсондаги психик муаммоларга қўшилиб ижтимоий муаммоларга дуч келади. Айниқса миграция натижасида иқтисодий-сиёсий муаммо юзасидан бошқа макондан инсон ўзини фаолиятни амалга оширмоқчи бўлганда катта тўсиқларга дуч келади. Аста секинлик билан ўзига хос бўлган маданият вакилларини қидиради ва уларнинг таъсир доирасига тушиб қолади.

## **Назорат саволлари**

- 1. Глобаллашган дунё ва кундалик ҳаётнинг узвий алоқадорлик жараёнларини аниқланг?*
- 2. Ўзгарувчан ахборотлашган дунёда кундалик ҳаётнинг ўрни ва аҳамиятини очиб беринг?*
- 3. Кундалик ҳаётнинг цикл босқичлари нималарда ўз ифодасини топади?*
- 4. Оммавий маданият ва унинг кўринишларини таърифланг?*

---

<sup>5</sup> Cultural Sociology An Introduction Les Back, Andy Bennett, Laura Desfor Edles 2012 page 12

<sup>6</sup> Introduction to Sociocultural Anthropology page 107

5. Элитар маданият тушунчасини изоҳланг?
6. Субмаданият нима?
7. Маданият ва иқтисод, маданият ва сиёсат, маданият ва фан ўзаро боғлиқлиги нимада?

#### **4-Семинар**

### **МАЪЛУМОТЛАР ЙИФИШ МЕТОДЛАРИНИ УМУМИЙ ТАСНИФИ ВА ТУРЛАРИ.**

**Режа:**

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гурухлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўzlари бажарган амалларини индивидуал ёки гурухий тарзда изоҳлаб, химоя этадилар.


**Семинар машғулотини олиб бориша қўлланиладиган методлар:** “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ”, “ФСМУ”, “Тушунчалар изохи”

#### **“БЛИЦ-СЎРОВ” МЕТОДИ**

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Тълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчи ларнинг қамраб олинishiiga қўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар  
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни  
ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди



Ўқувчи (талаба)лар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради




Гурӯҳ (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб қайтаради  
(унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиради, (бироқ, фикрлар акорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг  
моҳияти тингловчи лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма)  
тарзида ёритилиши мумкин.

### **“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” СТРАТЕГИЯСИ**


Стратегия тингловчи ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим  
қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш)  
кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни  
шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка  
куйидаги схема чизилади:




Стратегия тингловчи лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қуидагилардан иборат:









- a) девиант-хулқ атвортар борасыда илмий назариялар билан танишиш.
- b) маданий ривожланишга таъсир қилувчи ва тўсқинлинлик қилувчи омилларни бир-бири билан солиштириш .
- c) жамиятдаги девиант хулқ-атвортар кўришишларини аниqlаш борасыда маҳсус социологик тадқиқотлар натижаси билан танишиш

## V. ГЛОССАРИЙ

<b>Инглизча</b>	<b>Русча</b>	<b>Ўзбекча</b>	<b>Мазмуни</b>
<i>Cultural turn</i>	<i>Культурный поворот</i>	<i>Маданий бурилиши</i>	Кундалик ҳаётдаги маданиятни мазмуни борасидагитурли ҳил ёдашувлари тушунши ва изоҳлаш учун ишлатиладиган тушунча
<i>Cultural relativism</i>	<i>Культурной относительность</i>	<i>Маданий нисбийлик</i>	Ҳар бир жасиятнинг маданияти умумий шароитдан келиб чиқиб эришилган деб тушунувчи ва маданият шакллари бошقا маданият шакллари билан ўлчанмаслик ҳақидаги тушунча
<i>Cultural universals</i>	<i>Культурной универсализм</i>	<i>Маданий универсализм</i>	Меъёллари, ўлчамлари билан маданиятни жасиятни барча қатламларида бирдек амал қилиши ҳақидаги тушунча
<i>Culture shock</i>	<i>Культурной шок</i>	<i>Маданий талваса</i>	Инсонда ўзи биринчи марта ўзи учун тании бўлмаган маданият элементлари билан дуч келаганда юзага чиқадиган ижтимоий-рухий бекарорлик
<i>Massification</i>	<i>Массификация</i>	<i>Оммавийлаштириши</i>	Олдин юз берган кичик ҳодисалар орқали воқеаликнинг янада кенгайшиши ва оммалашиши ҳақида тушунча
<i>Moral panic</i>	<i>Моральная паника</i>	<i>Аҳлоқий вахима</i>	Маълум бир гуруҳ ва жамоатчилик муаммо

			<i>юзасидан жамоачиликнинг ҳавотирининг ошиб бориши одатда бу ижтимоий назарат тарбини кучайтиши учун қўлланилади</i>
<i>Reform</i>	<i>Реформация</i>	<i>Реформация</i>	<i>Ўзгариш, қайта қурниш маъноларини англатади</i>
<i>Function</i>	<i>Функция</i>	<i>Функция</i>	фаолият, баъзи системалар доирасидаги объектнинг унга мансублиги ва роли; объектлар ўртасидаги алоқалар кўриниши бўлиб бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади, бунда иккинчи объект дастлабкисининг функцияси дейилади
<i>Formal interactions</i>	<i>Формальные отношения</i>	<i>Формал муносабатлар</i>	гурух ва ташкилотларда «расмий» хокимият тизими меъёр ва қоидаларига мос равишда ўрнатилган муносабатлар
<i>Values</i>	<i>Ценность</i>	<i>Қадриятлар</i>	воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий- маънавий ахамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча; индивид ёки гуруҳларнинг нима яхши ва нима маъқул эмаслиги тўғрисидаги тасаввурлари

<i>Tradition</i>	<i>Традиции</i>	<i>Анъаналар</i>	ўтмишдан фойдалилиги жиҳатидан инсонлар қабул қиласиган, авлоддан-авлодга ўтадиган маданий норма ва қадриятлар, кўникмалар
<i>Stability</i>	<i>Стабильность</i>	<i>Барқарорлик</i>	жамиятдаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши
<i>Social group</i>	<i>Социальная группа</i>	<i>Ижтимоий гурӯҳ</i>	ҳар бир аъзоси бошқаларига нисбатан тақсимланган кутинмалар асосида маълум бир тарзда ўзаро хатти-ҳаракат қилувчи индивидлар йиғиндиси.
<i>Ideal type</i>	<i>Идеальный тип</i>	<i>Идеал тип</i>	воқеликдаги реал мавжудлиги шарт бўлмаган ижтимоий обьектнинг асосий белгиларини таъкидловчи конструкция

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

#### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини

ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5667-сонли Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

### **III. Maxsus адабиётлар**

20. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
21. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
22. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
23. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
24. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013.
- 175.
25. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
26. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. — Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. — 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
27. Барков С. А., Зубков В.И. Социология организаций. М.: ЮРАЙТ, 2018.
28. Барков С.А. Организация и рынок: противоборство или согласие? М.: Изд-во Московского университета, 2008.
29. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
30. Больц Н. Азбука медиа. / Пер. с нем. Л.Ионин, А.Черных. - М.: Европа, 2011. – 136 с. <http://en.bookfi.net/book/1405627>
31. Гидденс Э., Сэттон Ф. Основные понятия в социологии. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2018.

32. Гулобод Кудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халкаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
33. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
34. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
35. Йоас X., Кнебель В. Социальная теория. 20 вводных лекций. – СПб.: Алемтейя, 2015. <https://search.rsl.ru/ru/record/01007580496>
36. История социологии (XIX – середина XX века). – М.: ИНФРА-М, 2004. <https://search.rsl.ru/ru/record/01002465303>
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
38. Кастельс М. Власть коммуникации: учеб. пособие / М. Кастельс; пер. с англ. Н. М. Тылевич; под науч. ред. А. И. Черных; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. — 564 с. <https://yadi.sk/d/UC0SzNIk3Mj7qk>
39. Кимелев Ю.А., Полякова Н.Л. Модерн и процесс индивидуализации: исторические судьбы индивида модерна. – М.: ИИЦ
40. Коломиец В. П. Социология массовой коммуникации в обществе коммуникационного изобилия // Социологические исследования. 2017. №6. С.3-14. [http://www.isras.ru/index.php?page\\_id=2624&jid=6721&jn=socis](http://www.isras.ru/index.php?page_id=2624&jid=6721&jn=socis)
41. Конецкая В.П. Социология коммуникации / В.П. Конецкая. - М.: Международный университет бизнеса и управления, 1997. – 304 с.
42. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
43. Назаров М.М. Массовая коммуникация и общество. Введение в теорию и исследования / М.М. Назаров. — М.: Либроком, 2014. — 354 с.
44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
45. Организационное поведение/ Под ред. С.А. Баркова. – М.: ЮРАЙТ, 2015.
46. Осипова Е.В. Патриархи социологии. – М.: Институт социально-политических исследований РАН, 2011. <https://search.rsl.ru/ru/record/01005063843>
47. Осипова Н.Г. Западная социология в XX столетии: ключевые фигуры, направления и школы. – М.: Канон+РООИ «Реабилитация»,
48. Политика и управление в социальной сфере/ Под ред. Н.С.Григорьевой, Н.С.Соловьева. М.: АРГАМАК-МЕДИА, 2018

49. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

#### **IV. Интернет сайтлар**

48. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
49. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
50. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
51. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
52. <https://www.socio.msu.ru/>
53. <https://www.isras.ru/>
54. <https://www.isras.ru/Sociologicalmagazine.html>